


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60710400 -Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси
(автомобиль транспорти) бакалаврият таълим йўналишининг
малака талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «8» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 60710400 - Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автомобиль транспорти бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1. 60710400-Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автомобиль транспорти бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 60710400-Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1. 60710400-Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. 60710400-Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3. 60710400-Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 60710400-Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 60710400-Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	8
Келишув варағи.....	9

**1. 60710400 -Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси
(автомобиль транспорти) бакалаврият таълим йўналишининг
умумий тавсифи**

60710400 - Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 60710400 - Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60710400 - Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60710400 - Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60710400 - Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.

60710400 - Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автомобиль транспорти) бакалаврият таълим йўналиши - фан ва техника соҳасидаги йўналиш бўлиб, атроф-муҳитга кўрсатилаётган антропоген таъсирларни камайтириш, корхоналарда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, тозалаш иншоотларини лойиҳалаш, мавжуд технологияларни такомиллаштириш, замонавий технологияларни татбиқ этиш, экологик мониторинг ва экспертизани ташкил қилиш воситалари ва усуллариининг мажмуасини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолияти соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар мумкин.

1.2.2. 60710400 - Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автомобиль транспорти бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- атмосфера ҳавосини чанг ва заҳарли газлардан тозалаш жараёнлари ва қурилмалари, оқова сувларни тозалаш жараёнлари ва қурилмалари;
- ичимлик сувини тайёрлаш жараёнлари ва қурилмалари;
- қаттиқ чиқиндиларни қайта ишлаш жараёнлари ва қурилмалари;
- автомобиль транспорти экологик хавфсизлигини таъминлаш жараёнлари;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишида ҳисобга олиниши назарда тутилади.

1.2.3. 60710400 - Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- лойиҳа-технологик;
- сервис хизматини кўрсатиш;
- ишлаб чиқариш-технологик;
- ташкилий-бошқарув;
- илмий-тадқиқот.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. 60710400 - Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автомобиль транспорти бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60710400 - Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Лойиҳа-технологик фаолиятида:

- табиий ресурслар, уларнинг таркиби, физик-механик ва кимёвий хоссалари, маҳсулотларнинг техник-эксплуатацион кўрсаткичлари, моддий баланс, ишлаб чиқариш режимлари ва нормалари, ишлаб чиқаришнинг асосий (технологик) ва ёрдамчи жараёнлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши, технологик регламент асосида ишлаб чиқариш жараёнларини танлаш, ҳом-ашёларга ишлов бериш ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш лойиҳасини тузишни амалга ошира олиш;

- чиқиндисиз технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

- табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятлар, воситалар, тизимларни такомиллаштириш;

- экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий услубларини, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Сервис хизматини кўрсатиш фаолиятида:

- чиқиндилар ва оқова сувларни тозалаш ва қайта ишлаш услуб ва технологиялари, лойиҳаларини тизимли ёндашув асосида ишлаб чиқишни такомиллаштириш;

- соҳага оид илмий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, ахборот ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш;

- табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиий муҳит компонентларига таъсир этувчи фаолиятларнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш жараёнларини ўтказиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тадбирларини амалга оширишни режалаштириш;
- табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва самарадорлигини баҳолашда замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилишда чиқиндиларнинг меъёрий талаб нормаларига ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш ва назорат қилиш;
- соҳага оид инновацияларни амалиётга татбиқ қилишни ташкил этиш;
- ишлаб чиқариш шароитларида атроф муҳитга кўрсатиладиган таъсир жараёнлари ва даражаларини баҳолаш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар ҳил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фаолияти бўйича иш режасини тузиш, бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини таъминлаш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятда:

- камчиқиндили, чиқиндисиз ва яшил иқтисодиёт технологик жараёнларини билиши ва уларни қўллаш;
- тозалаш иншоотларини лойihalаш, уларнинг ишини ташкил этишда замонавий технологик жараёнларни татбиқ этиш;
- табиий ресурслардан фойдаланишга асосланган ҳамда фаолияти доирасида атроф-муҳит компонентларига таъсир этувчи автотранспорт корхоналарида белгиланган тартибда фаолият кўрсата олиш;
- инсон соғлигини ва унинг ишчанлик қобилиятини сақлаш ҳамда меҳнат жараёнида хавфсизликни таъминлаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ижтимоий-экологик муаммолар тенденциясини чуқур таҳлил қилиш, инновацион технологиялар ва экологик новациялардан кенг фойдалана олиш;
- ишлаб чиқаришда меҳнат ва экологик хавфсизлик бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни бажарилишини таъминлашда иштирок этиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йуналган ҳолда қидириш ва топиш;
- таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;
- илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

2. 60710400 - Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автомобиль транспорти бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ташкилий тузилмаларни оптимallasштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режаласштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;
- корпоратив ахборот тизимларини, статистик таҳлил ва ҳисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиш;
- соҳада бошқарув вазифаларини, ишни ташкил қилиш, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш;
- соҳада рақобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- бизнес юритишнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини баҳолаш, янги бозор имкониятларини аниқлаш ва янги бизнес моделларини шакллантиришни билиш;
- камчиқиндили ҳамда чиқиндисиз технологик жараёнларни билиши ва уларни қўллаш кўникмаларига эга бўлиш;
- тозалаш иншоотларини лойиҳалаш, уларнинг ишини ташкил этишда замонавий технологик жараёнларни татбиқ этиш қобилиятларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, экология, экологик муаммолар, биосфера, биогеоценоз, чиқиндисиз технология, рекультивация, атмосфера ва унинг барқарорлик шартлари, озон қатламининг емирилиши, фотохимёвий смог, гидросфера, сув ҳавзаларидаги микроорганизмлар, окова сувлар, газсимон чиқиндилар, энергетик чиқиндилар, тиндириш, филтрлаш, флотация, коагуляция, флокуляция, адсорбция, ион-алмашилиш, экстракция, аэрация, нейтритизатор, катализатор, альтернатив ёнилғи, автомобиллар экологик ҳавфсизлиги, экологик конструкция, биоёнилғи, атроф муҳитга таъсирни баҳолаш, утиллаштириш, аэротенк, фаол лойқа, ҳавони чангдан тозалаш, циклон, ҳавони захарли газлардан тозалаш, абсорбер, адсорбер, литосфера, рекулперация, иктисодий зиён, техник-иктисодий асоснома, олди олинган зиён, йиллик иктисодий самара, ижтимоий экология, экологик ҳуқуқ, экологик тарбия ва таълим.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети



Ректор О.Абдурахманов

2021 йил « »
М.Ў.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илғор технологияларни
татбиқ этиш маркази

Вазир ўринбосари А.Муминов

2021 йил « »
М.Ў.



Директор в.б. М.Эсонов

2021 йил « »
М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф муҳитни муҳофаза
қилиш давлат қўмитаси

И.Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети

Раис ўринбосари Ж.Казбеков

2021 йил « »
М.Ў.



Ректор С.Турабджанов

2021 йил « »
М.Ў.

